

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг
ШАРТНОМАСИ

2022 йил « 15 » сентябрь

№ 15

Коровулбозор шаҳри
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Коровулбозор туман ветеринария бўлими, рахбари Д.Юсупов бир томондан ҳамда (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) Низом асосида фаолият курсатувчи "Абдор тўмон тоғидаги бўлими" рахбари Ф. Рахмолов (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб юритилади), иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз мудлатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурilmалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил _____ кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда _____ куб.м, I м.куб. газ нархи _____ сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I квартал _____ м. куб.	январь _____ м. куб.,	февраль _____ м. куб.,	март _____ м. куб.,
II квартал _____ м.куб.	апрель _____ м. куб.,	май _____ м. куб.,	июнь _____ м. куб.,
III квартал _____ м. куб.	июль _____ м. куб.,	август _____ м. куб.,	сентябрь _____ м. куб.,
IV квартал _____ м. куб.	октябрь _____ м. куб.,	ноябрь _____ м. куб.,	декабрь _____ м. куб.,

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашидан издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 2021 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I квартал _____ м. куб.	январь _____ м. куб.,	февраль _____ м. куб.,	март _____ м. куб.,
II квартал _____ м.куб.	апрель _____ м. куб.,	май _____ м. куб.,	июнь _____ м. куб.,
III квартал _____ м. куб.	июль _____ м. куб.,	август _____ м. куб.,	сентябрь _____ м. куб.,
IV квартал _____ м. куб.	октябрь _____ м. куб.,	ноябрь _____ м. куб.,	декабрь _____ м. куб.,

1.5. Шартнома умумий суммаси _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

1.6. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.7. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин Истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар орқича олинган микдор деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали билан хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари: 36-04

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами: 364-16-68

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камида 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишнинг кўзда тутиши ва ушунга етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишнинг тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

- 2.10. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши, оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш коидаларига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу хақида хабардор қилиши шарт.
- 2.12. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таксимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтьгазказибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатишга қўйилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун ҳисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига қўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни $T = 20^{\circ}\text{C}$, $P = 760$ мм симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорий ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва кишки мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вақтида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

3.3. Газни сарфланишини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар инobatга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар соғлиги, уларнинг давлат текширувини амал қилиш муддати;

б) ГТШни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек хақиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмаганда $P_{\text{ортиқча}} = 1,0$ кгс/см² коэффиенти қўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва ҳаққоний киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини ҳисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатишга газдан фойдаланиш ускуналари қувватига мувофиқ бўлиши лозим. Агар табиий газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифининг пастки чегараси бўйича қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 кун мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошқа газни ҳисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни ҳисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортда кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро ҳисоб-китоблар учун яроқли ҳисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;

б) газни ҳисоблаш приборини давлат киёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли ҳисоб-китоб киёслов муддати тугаган вақтдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни ҳисоблаш приборини ўрнатиш вақтигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамга бутлиги бузилиши, ҳисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аниқланган ҳолатларда;

г) газ қувурлари ёки ГТШларда, газни таксимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузадиган қурилмаларни ўрнатиш.

3.7. Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юқори қувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бироқ, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга қўлланади.

Ҳисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу хақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корxonани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускуна иш тамгалаб қўйиши шарт.

3.8. Ҳисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва коидаларга асосан ўтказилади.

3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.

3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал қилувчи белгилар ва тамгаларга эга бўлиши шарт.

3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вақтида давлат киёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.

3.12. Ҳисоблаш приборларини киёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3.13. Ҳисоблаш приборларини киёслов даврийлиги меъёрий-техник ҳужжатлар асосида белгиланади.

- 3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истеъмомчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамғаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истеъмомчига юклатилади.
- 3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.
- 3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истеъмомчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истеъмомчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.
- 3.19. Ҳисоблаш приборини текширув муддати тугаганлиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текширув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.
- 3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истеъмомчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида кайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истеъмомчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичида буюртма бериши лозим.
- 3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истеъмомчининг буюртмасига кўра икки кун ичида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.
- 3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечиктирмасдан, дарҳол Етказиб берувчининг вакиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.
- Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофиқ ўрнатиш амалга оширилади.
- 3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг қилиш ёки текширув натижаларидан норози бўлган Истеъмомчи, белгиланган тартибда юқори турувчи орган ёки судга мурожаат қилиши мумкин.
- 3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган қонунчиликка мувофиқ, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вақтида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.
- 3.26. Бюро ходимини ҳисоблаш приборларига қўймаслик ҳолати далолатнома бўлган расмийлаштирилади. Истеъмомчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истеъмомчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда кайд этилади. Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истеъмомчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён қилиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида далолатномага кайд этилади.
- Далолатномага имзо қўйишни рад этиш Истеъмомчини газ тармоғидан узиб қўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

- 4.1. Истеъмомчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.
- 4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.
- Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмомчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисобланмайди.
- 4.3. Истеъмомчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди;
- 4.4. Истеъмомчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмомчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмомчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истеъмомчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмом қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмомчилар ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадлар.
- 4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмомчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.
- 4.9. Истеъмомчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмомчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 2 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.
- 4.10. Табиий газ учун истеъмомчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмомчини хабардор қилган ҳолда, тўлов муддати ўтган қарзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.
- 4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмомчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.
- 4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш прибордан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмом қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмомчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимига киритиш, шунингдек, истеъмомчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аниқланали.

- 4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб бериш томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.14. Етказиб бериш ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:
- а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
 - б) Етказиб бериш томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Истеъмолчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган далолатнома.
- 4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб бериш томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.
- 4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб бериш томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди ҳамда бир нусхасини Етказиб бериш томонидан жўнатади.
- 4.17. Табiiй газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табiiй газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, қилишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.
- 4.18. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.
- 4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб бериш бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин олдинги ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз қучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

- 5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб бериш ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- 5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, Етказиб бериш ёки Бюро вакилининг сўнги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.
- 5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчининг қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ Қўйиш ва қайта уланиш тартиби

- 6.1. Истеъмолчи газ тармоқларидан қуйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:
- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
 - фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
 - Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари ҳисоблаш приборларидан кўрсаткичнинг олишга қўйилмаганда;
 - ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;
 - газни талон-тарож қилиш, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш қондаларини бузиш ҳолатлари аниқланганда.
- 6.2. Тармоққа қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ҳақ ундирилади.
- 6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармоқларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 7.1. Етказиб бериш қуйидагиларга мажбур:
- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
 - ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
 - табiiй газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор қилиш;
 - табiiй газнинг рухсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;
 - Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида қилинган шартлар асосида газ етказиб бериш;
 - истеъмолчиларга йўриқномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;
 - Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

таъминлаш
етказиб берувчи

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;
истеъмолчиларнинг техник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари ҳақида турар жойлар йўлакларига эълонлар ёқи бошқа мавжуд усуллар орқали камида уч сутка аввал огоҳлантириш;
газдан фойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёқи электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуйидаги муддатларда таъмирлаш:
табiiй газ сизиб чиқишида — дарҳол;
овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;
иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;
газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.
Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчининг белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табiiй газни етказиб беришни қисқартириш ёқи тўхтатиш;
газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармоғидан узиб қўйиш;
Истеъмолчилардан табiiй газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
табiiй газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёқи бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табiiй газни етказиб беришни тўхтатиш ёқи чеклаш;
ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунигача қадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;
газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
газ тармоқларида ёқи газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табiiй газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;
Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табiiй газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёқи газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёқи ходим ёрдамида) бартараф этиш;
табiiй газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;
табiiй газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

етказиб берилган табiiй газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табiiй газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
табiiй газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;
табiiй газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
табiiй газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
табiiй газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш;
газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёқи тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёқи тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- захира ёқилғига ўтиш талаблари бажарилмаганда;
- фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш хакининг ўн беш баравари миқдорда жарим қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармоқларида авария ҳолатлари;

в) киш даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари);

г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақиқат вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида қутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки қабул қилиш ҳуқуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

10.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

11.2. Бюджетдан маблағ олувчилар учун шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда, Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 22 декабрдаги 88-сон буйруғи билан руйхатдан утган "Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидалари" (2850-сон билан Адлия вазирлигидан руйхатдан утказилган)га асосан Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда руйхатдан ўтказилган кундан бошлаб қўйиб қиради, амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача белгиланади

11.3. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иқтисодий суд томонидан ҳал қилинади.

ХII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома коидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

12.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, ҳар иккала нусха бир хил юридик кучга эга

ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«Таъминотчи»

Қвоюр туман 101 таъминотчи бўлиши
(Товар отказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: қвоюр ш

Тел./факс: 36-64

х/р _____


Банк номи: _____

МФО _____

СТИР _____

ОКОНХ: _____

Рахбар: _____



(имзо)

М.Ў.

«Истемолчи»

Қвоюр туман ветеринария бўлиши
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: қвоюр ш Ваҳт кўч

Тел./факс: 650 364 1759

ш/х: 100022860062327042133250001

ИН: 201057151 ОКОНХ: 22200

Ғазначилик бўлинмаси номи: Коровулбозор туман бўйича ғазначилик бўлинмаси

Ғаз./х: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Рахбар: _____



(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____

2022 йил «__» _____ даги _____-сон шартномага

ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газда ишлайдиган қурилмалар

РЎЙХАТИ

Т/р	Корхона, бўлим ва цехни номланиши	Агрегатлар		Газни лойиҳавий сарфи (паспорт), м ³ /соат	Ҳисобга олиш приборлари турлари
		номланиши	сони		

Келишилди:



Етказиб берувчи



Истеъмолчи